

СЎЗБОШИ

Ушбу нашр Бухородаги ислоҳотчилик харакатлари ва 1920 йилги тўнтариш тарихига доир энг муҳим маҳаллий манбалардан бири — Садриддин Айнийнинг *Бўхоро инқилобининг тарихи* номли ўзбек тилидаги асарининг матнидан иборат.

Бугунга қадар мазкур асар бир неча марта нашр этилган бўлишига қарамай, қўйида Киришда атрофлича маълумот бериб ўтилганидек, унинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақлананаётган кўлёзмалари асосидаги илмий-танқидий матнiga бўлган эҳтиёж сақланиб қолмоқда эди. Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали илмий ҳамкорлик туфайли бу иш энди амалга оширилди.

Ушбу китобни ҳозирлаш ва нашр этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишда кўрсатган ёрдамлари учун ЎзР ФА Шарқшунослик институти директори Баҳром Абдуҳалимовга, директор ўринбосари Сурайё Каримовага, ушбу нашрни молиялаштирган Islamic Area Studies лойиҳасининг Токио университетидаги Маркази (TIAS) раҳбари, профессор Коматцу Ҳисаога ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни изхор этамиз. Китобнинг тадқиқот қисми ва танқидий матн юзасидан билдиран қимматли фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатлари учун Нурёғди Тошев ва Ғулом Каримовга чексиз ташаккуrimизни билдирамиз.

Шарифа Тошева
(ЎзР Фанлар академияси
Шарқшунослик институти)

ШИМАДА Шизуо
(Токио давлат чет тиллар
университети)